



НЕМИС ТИЛИДА ЭЛЛИПСИС ХОДИСАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Бегматов Мухтор Бегматович,

Самарқанд давлат чет тиллар институти доценти

Калит сўзлар: синтактик, стилистик, эллиптик гап, элипсис, контекстуал, структурал.

Бошқа синтактик ҳодисалар каби эллипсис ҳодисаси ҳам ўзининг узок тарихига эгадир. Эллипсис ҳодисаси тўғрисида айтилган дастлабки фикрлар XIX асрга бориб тақалади. Демак, ўз-ўзидан маълумки эллипсис ҳодисаси ҳам бошқа синтактик-стилистик ҳодисалар каби, узок даврлардан бошлаб олимларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Жумладан, эллипсис ҳодисаси тўғрисида илк бор айтилган фикр-мулоҳазалар ҳам германист олимларга тегишлидир. Фикримизнинг исботи сифатида германист олим К.Ф.Беккернинг «**Ausführliche deutsche Grammatik als Kommentar der Schulgrammatik**» асарида эллипсис ҳодисасига учраган мисоллар намоиш этилганлигини айтиш мумкин. Элипсис тўғрисида аниқ бир тасаввурга эга бўлиш мақсадида улардан айримларини намоиш этамиз. Жумладан: 1) «**Die Sache aus**»; 2) «**Der Fisch im Wasser**»; 3) «**Das Fenster zu**»; 4) «**Den Hut ab**» ва бошқалар. К.Ф.Беккер бундай шаклларга эга бўлган гапларни эллиптик гаплар деб атади. Эллиптик гап ўз табиатига кўра грек тилидаги «**elleipsis**» сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси ўз хусусияти билан қандайдир гап бўлагининг гап таркибидан тушириб қолдирилишини англатади. Демак, эллиптик гаплар ўз хусусияти билан бу воситаларнинг бирдан-бир тежаш усули экан. Ҳақиқатан ҳам, худди шундай эллиптик гаплар таркибида бирор компонент икки марта туширилиб қолдирилиши мумкин, ёки бошқача қилиб айтганда икки марта тежалади. Эллиптик гапларга хос бўлган бундай хусусият эллипсис билан тежаш ҳодисасини ягона синтактик ва стилистик ҳодиса деб аташни тақозо қилмоқда. Чунки

эллиптик гаплар ҳодисаси ҳам, тежаш ҳодисаси ҳам бу ўз навбатида стилистик жараённинг маҳсулидир. Бошқача қилиб айтганда, функционал жиҳатдан ягона ҳодисаларнинг у ёки бу матн доирасида ёйилиш даражаси ва қўлланилиши албатта ёзувчининг индивидуал услуби билан бевосита чамбарчас боғлиқ бўлади. Бироқ, бу ерда бизнинг асосий мақсадимиз уларнинг стилистик ва синтактик функцияларини эмас, балки эллиптик гаплар бўйича илмий-тадқиқот ишлари илк бор кун тартибига қўйилаётгани учун уларга нисбатан тилшунос олимларнинг баъзи бир муносабатларини, аниқроғи уларнинг фикрларини қайд этишдан иборатдир.

Демак, эллиптик гап бўлиши учун гап таркибидан нимадир тушириб қолдирилиши шарт (масалан, бош бўлақлардан бири). Юқорида келтирилган гаплар таркибида кесимлар (1,2), эга, кесимлар (3,4) тушириб қолдирилган. Агарда биз уларни грамматик жиҳатдан тўла мазмунли гаплар ҳолатига келтирсак, у ҳолда бундай эллиптик гаплар қуйидагича шаклларга эга бўлади: 1) «**Die Sache ist aus**»; 2) «**Der Fisch ist im Wasser**»; 3) «**Machen Sie das Fenster zu**»; 4) «**Nehmen Sie den Hut ab!**». Улар матн доирасида қандай ҳолатда учраса, шундай шаклда қолдириш лозим, чунки уларнинг эллиптик гаплар шаклида ифодаланиши бу ёзувчи индивидуал услубининг маҳсулидир. Шунинг учун ҳам, эллиптик гапларнинг барча шаклдаги кўринишлари фақатгина услуб доирасидагина таҳлил қилинса, улар тўғрисида тўлароқ тушунчага эга бўлиш мумкин. Эллиптик гаплар фақатгина уларнинг таркибидаги бош бўлақларнинг бўлиши ёки бўлмаслиги билан характерланмайди, чунки уларнинг



ўрганилиш доираси жуда хилма-хил ва кенгдир. Бошқачароқ қилиб айтганда, эллиптик гаплар турли хил лексик-грамматик воситалар билан боғлиқ бўлган стилистик ўзгаришларни ҳам камраб олади. Стилистик ўзгаришлар деганда биз ёзувчилар индивидуал услуби таъсирида гап таркибидан оддий грамматик қўшимчалардан тортиб бутунлай гап бўлакларининг туширилиб қолдирилиши билан боғлиқ барча жараёнларни тушунамиз. Эллипсис ҳодисаси, ўз навбатида стилистик ҳодисадир. Ёзувчилар бундай стилистик фигуралардан аниқ стилистик мақсадлар учун фойдаланадилар; биринчидан, тил воситаларни тежаш йўли билан гап структурасини соддалаштиришга эришилади, гап структурасининг соддалашуви натижасида тасвирланаётган воқеа - ҳодисаларнинг таъсирчанлиги, эмоционаллиги кучаяди; иккинчидан, эллипсис ҳодисаси ўз табиати билан кўп қиррали ҳодисадир. Шунинг учун ҳам уни бошқа синтактик ва стилистик ҳодисалар билан ўзаро боғлиқлик ҳолатларида ўрганиш мақсадга мувофиқ, айниқса уни тил экономясининг асосий омилларидан бири сифатида ўрганиш айтиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, эллиптик гаплар майдонида содир бўлаётган бундай жараёнлар ўз табиатига кўра хилма-хил ва ранг-барангдир. Эллипсис ҳодисасининг, худди шундай ажойиб бир қизиқарли табиатга эга эканлигини тасдиқлаш мақсадида, бу ерда германист олим В.Юнгнинг қуйидаги фикрини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: «**Unter Ellipsis (griechisch - das Ausbleiben) versteht man in der Regel ein sprachliches Einsparen auf syntaktischen Gebiete, nämlich das übliche Fehlen von Satzgliedern, die kaum Verständnis entberlich sind, weil sie aus der Situation ergeben**» [W. Jung 1967.- S. 117].

В.Юнг томонидан эллипсис ҳодисасига нисбатан берилган бундай баҳо қуйидагича мазмунни ифодалайди: гап таркибидан бирон-бир компонентнинг, ёки

гап бўлакларидан бирининг тушириб қолдирилиши, эллиптик гапларнинг мазмунига ҳеч қандай зарар етказмайди, аксинча бундай зарарлар қиймати доирасида мавжуд бўлган вазиятлар, имкониятлар ёрдамида доимо тўлдирилиб борилади. Бошқачароқ қилиб айтганда, эллиптик гаплар мазмуни доимо ўзининг тўлиқлик даражасини сақлаб қолаверади, улар таркибида фақатгина структурал тўлиқсизлик намоён бўлиши мумкин ҳолос. Ушбу фикрни қуйидаги мисол асосида изоҳлаб беришга ҳаракат қиламиз.

Er ist nie auf diesem Boden gewesen, er nicht und nicht Engmann (L.Harder. Die Frau von Ziegelhot. S.).

Ушбу мисолда боғланган қўшма гап берилган. Ўз-ўзидан маълумки, боғланган қўшма гаплар доимий равишда грамматик жиҳатдан боғланган икки ёки ундан ортиқ мустақил гаплардан ташкил топади. Бу ерда ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин, бироқ таҳлил остига олинган боғланган қўшма гапнинг иккала компонентини бир хил грамматик тўлиқликка эга бўлган гап сифатида таҳлил қилиб бўлмайди. Чунки ушбу боғланган қўшма гапнинг иккинчи қисми структура жиҳатдан тўлиқ эмас, бу ҳолат унинг таркибида **-ist gewesen** мураккаб феъл шаклининг келмаслиги билан характерланади. Демак, ушбу боғланган қўшма гапнинг иккинчи қисмида **-ist gewesen** нинг бўлмаслиги, уни эллиптик гап сифатида таҳлил қилишга асос бўлади. Ҳақиқатан ҳам, биз бу ерда эллиптик гапга дуч келмоқдамиз. Эллиптик гапларда бирон-бир гап бўлагининг бўлмаслиги, яъни унинг тушириб қолдирилиши, худди **ist gewesen** каби, унинг мазмунига ҳеч қандай таъсир қилмайди. Масалан **-ist gewesen** шаклидаги мураккаб кесимнинг биринчи гап таркибида қўлланиши унинг иккинчи гап таркибида ҳам мавжудлигидан хабар беради.

Эллиптик гаплар тўғрисидаги фикрлар XX асрнинг бошларида ривожлана бошлаган. Фикримизнинг исботи сифатида эллиптик гаплар тўғрисида А.А.Шахматовнинг



қуйидаги мулоҳазасини келтиришни ўринли деб ҳисоблаймиз: “**Эллипсис, гап таркибида келувчи компонентлардан бирининг туширилиб қолдирилишидир, бошқача қилиб айтганда бош бўлақлардан бирининг бўлмаслигидир**” [А.А.Шахматов 1952, -с.29-31].

Демак, эллиптик гапларга хос бўлган бундай хусусиятлар кейинчалик янада кенгайтирилади ва янги-янги тушунчалар билан бойитилади. Жумладан, эллиптик гаплар, юқорида таъкидланганидек, фақатгина эга ва кесимнинг гап таркибидан туширилиб қолдирилиш жараёни билан боғлиқ бўлмасдан, шу билан бирга иккинчи даражали бўлақлар билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳам қамраб олади.

Германист олимларнинг эллипсис тўғрисида айтган бундай фикр – мулоҳазаларига таянган ҳолда, шунингдек, матн устида олиб борилган кузатишларга асосланиб шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, эллипсис ҳодисаси фақатгина гап таркибидан бирон-бир бўлакнинг туширилиб қолдирилиши билан чегараланиб қолмайди. Аксинча, бу ҳодиса матн таркибидан ҳар қандай гап бўлагининг туширилиб қолдирилиши билан содир бўладиган барча ўзгаришларни ҳам қамраб олади. Натижада эллипсис ҳодисаси, худди юқорида таъкидлаб ўтилганидек, фақатгина лексик ва грамматик ҳодиса сифатида эмас, балки стилистик восита сифатида китобхоннинг диққат-эътиборини ўзига жалб қилиши мумкин. Гап ёки матн таркибидан бирор компонентнинг туширилиб қолдирилиши учун уларнинг таркибида аниқ муҳит ёки контекстуал вазият бўлиши шарт. Чунки фақат улар ёрдамидагина туширилиб қолдирилган бўлак тикланиши мумкин. Гап ёки матн таркибидан туширилиб қолдирилган компонентлар уларнинг мазмунига ҳам зарар етказмайди, аксинча, тасвирланаётган воқеа-ҳодисага диққат билан назар ташлашга мажбур этади. Бу эса туширилиб қолдирилган компонентнинг ўрнини босадиган элементни тиклашга ёрдам беради.

Эллипсис ҳодисаси, юқорида таъкидлаганимиздек, фақатгина гап таркибидан бирон-бир гап бўлагининг тушириб қолдирилиши билан бирга оддий грамматик қўшимчаларнинг шунингдек, бутун бир матн доирасидан қандайдир гап бўлақларининг ҳам туширилиб қолдирилиши жараёнини ҳам қамраб олади. Фикримизнинг исботи сифатида, Дуден таҳрири остида чоп этилган грамматик дарсликдан ва бадий матнлардан айрим мисолларни келтирамиз.

Эллипсис ҳодисасига ҳар қандай тил воситалари учраши мумкин. Масалан:

а) Эга функциясига кирувчи кишилик олмошлари:

1. « [Ich] weiß wohl. [Ich] komme schon » [Duden, 1962 s 563].

Эллипсис ҳодисасига учраган гап бўлақларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадида катта қавс, яъни [...] шаклидаги белгидан фойдаланилади. Шунинг учун катта қавс ичидаги **[ich]**-эллипсисга учраган, яъни тушириб қолдирилган. Бироқ – “**weiß, wohl, - komme schon**”-ларнинг худди шундай ифодаланиши **-Ich-**нинг ҳам, мавжудлигидан дарак беради. Бундай мавжудлик контекст ёрдамида, ёки шу ердаги вазият, ҳолат томонидан белгиланади. Натижада тингловчида ёки сўзловчининг фикрлашида **-ich weiß wohl; ich komme schon-** шаклида доимо намоён бўлади. Юқоридаги гап таркибидан **-ich-**нинг тушириб қолдирилиши бу бир оддий жараён эмас, аксинча юқори даражадаги мақсадли жараён бўлиб, ушбу жараён аниқ стилистик функциялар учун хизмат қилади. Ёзувчи китобхоннинг диққат-эътиборини тасвирланаётган воқеаларга жалб қилиш мақсадида турли хил стилистик фигураларга мурожаат қилади. Эллипсис ҳодисаси ҳам ана шундай стилистик фигураларнинг бир кўринишидир. Эллипсис ёрдамида ёзувчилар тасвирланаётган воқеаларни соддалаштиришга, ихчамлаштиришга, қисқартиришга ҳаракат қилади. Бундай соддалаштиришлар тасвирланаётган воқеаларнинг мазмунини тўла сақлаган



ҳолда уларнинг таркибида мавжуд бўлган айрим гап бўлакларини тежашга олиб келади. Тежаш жараёнида фақатгина гап бўлакларигина эмас, балки артиклар ва кўмакчилар ҳам тушириб қолдирилиши мумкин.

«**Das alte und [-] neue Rathaus**» (Duden, 1962 s 564).

«**Nicht von Goethes Weisheit oder [-] Rechtsgelehrsamkeit war die Rede**» [Duden, 1962, s 564].

Ушбу белги у ёки бу компонентларнинг бўлмаслигини кўрсатиш учун қўлланилади, 2-рақамдаги мисолдаги [-] ушбу сўз бирикмасининг иккинчи қисмида **-das-** артиклининг тушириб қолдирилишини билдирса, 3-рақамли мисолда эса **Rechtsgelehrsamkeit**, яъни датив келишигида ифодаланиб келувчи турдош от олдида **-von-** кўмакчисининг тушириб қолдирилишини кўрсатади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, артикль ёки кўмакчиларнинг эллипсис ҳодисасига учраши, улар биргаликда келиши лозим бўлган компонентларининг мазмунига ҳеч бир таъсир кўрсатмайди, чунки **-das-** артиклининг шу гап бошида келиши, **-von-** кўмакчисининг биринчи сўз бирикмаси, яъни **von Goethes Weisheit**

олдида келиши уларнинг мавжуд бўлган контекстуал вазият иккинчи сўз бирикмалари олдида ҳам такрорланишини фикран тақозо этмоқда.

Демак, эллипсис ҳодисаси – бу гап таркибидан бирор-бир компонентнинг туширилиб қолдирилиши билан боғлиқ бўлган ҳодисадир. Эллипсис ҳодисасини ўрганиш жараёнида туширилиб қолдирилган гап бўлакларига нисбатан «**компонент**» атамасининг қўлланилиши, шу терминологик тушунчанинг ниҳоятда қулайлигидан келиб чиқади. Эллипсис ҳодисаси фақатгина германистикадагина эмас, шу жумладан романистикада ҳам, туркий тилларда ҳам энг кам ўрганилган синтактик-стилистик ҳодисадир. Айниқса, ушбу ҳодисани контекстлар доирасида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, эллипсис ҳодисаси ҳозирги замон немис адабий тилида нисбатан камроқ ўрганилган синтактик ва стилистик ҳодисалардан бири бўлиб, уни кўп сонли ҳар хил функционал характерга эга бўлган матн таркибида махсус ўрганиш янги-янги илмий -тадқиқот ишлари учун асосий манба бўлиши мумкин.

Адабиётлар

1. Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка: -М. “Наука” 1973. - с. 366.
2. Реферовская Е.А. Лингвистическое исследование структуры текста. -Л. 1973. - с.215.
3. Солганик Г.Я. Синтаксическая стилистика (сложное синтаксическое целое). - М. 1991. - с.182.
4. Турсунов Б.Т. Эллипсис плэонасмус ҳодисасининг тескари кўринишидир. Олий мактабларда хорижий тилларни ўргатишнинг лингвистик ва услубий муаммолари мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани материаллари. -Самарқанд, СамДМҚИ, 2002. - 9-11 б.
5. Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. VEB Bibliographisches Institut-Leipzig, 1967. - 512 S.
6. Шахматов А.А. Учение о частях речи. М. 1952, 211.с.



Бегматов М. Особенности явления эллипсис в немецком языке. В данной статье рассматриваются синтактико-стилистические особенности эллипсиса в немецком языке. Дается анализ эллиптических предложений из научной и художественной литературы.

Begmatov M. Features of ellipsis phenomenon in German language. This article discusses syntactic and stylistic features of the ellipsis in German language. The analysis of elliptic sentences are given from the scientific literature and literary resources.
